

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА НИЛУФАР МИРЗААКБАРОВНА

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ СЕРВИС ХИЗМАТИ ЙЎНАЛИШИ
ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ (лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулоти
мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган - 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Кадирова Нилуфар Мирзаакбаровна

Технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида
ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш 3

Кадирова Нилуфар Мирзаакбаровна

Развитие у учащихся креативного подхода на уроках технологии
по направлению сервисного обслуживания 23

Kadirova Nilufar Mirzaakbarovna

Development of the creative approach in students
in technology service classes.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список о опубликованных работ
List of publications 47

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА НИЛУФАР МИРЗААКБАРОВНА

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ СЕРВИС ХИЗМАТИ ЙЎНАЛИШИ
ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ (лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулоти
мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.Phd/Ped3556 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Исмоилжон
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қўйсинов Одил Алмуротович
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор
Болтаева Муҳайё Лутфуллаевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 11 ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02, Web-sayt: namdu.uz, e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1137 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2022 йил 01 ноябрь куни тарқатилди.
(2022-йил 01 ноябрдаги 23-рақамли реестр баённомаси).



Т. Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш.К.Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

К.М.Боймирсев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон мамлакатларида давлат ва жамият муаммоларини ҳал қилишда инновацион билим ва яратувчанликка бўлган эҳтиёж тобора сезилмоқда, бу эса, ўз навбатида муаммоларга инновацион ва креатив ёндашув аҳамиятини кучайтирмоқда. Бугунги глобаллашув даврида жаҳон педагогикаси олдида турган муҳим масалалардан бири нафақат билимли, балки креатив тафаккур соҳиби бўлган шахсни шакллантириш, уларнинг креатив ёндашувларини ривожлантириш йўллари, усуллари ва воситаларини излаш асосий муаммолардан ҳисобланади. Ҳозирги тўртинчи саноат инқилоби муҳитида фан-техника соҳасидаги инновацион ўзгаришлар жараёни таълим олувчиларда креатив ёндашувларни ривожлантириш орқали уларнинг билиш фаоллигини ошириш, турли вазиятларда тўғри ва аниқ қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш ҳал қилиниши зарур бўлган педагогик муаммолардан эканлигини кўрсатмоқда.

Бутун дунё мамлакатларида амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ва бугунги кунда эришилаётган юксак натижалар бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур тизимни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, янгича ёндашувларни таълим соҳасига доимо тадбиқ этиб боришни тақозо этмоқда. Зеро, таълим-тарбия тизимига янгича ёндашувларни тадбиқ этиш орқали ёшларни замон талабларига мос, рақобатбардош, малакали ва дунё билан эркин фикрлаша оладиган ижодкор мутахассис кадрлар қилиб тайёрлашда, фан ва техника соҳасидаги жаҳоннинг илғор технологияларига эҳтиёж сезилмоқда. Бугун ривожланган давлатлар таълимга янгиликлар киритишга интиломоқда, бу янгиликларни амалга оширишда уюшган, режали ва креатив ёндашувни талаб этмоқда. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, муаммоларга креатив ёндашадиган шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим.

Республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Янги Ўзбекистон келажagini куришда креатив тафаккур соҳиби бўлган, давлат ва жамият муаммоларига креатив ёндаша оладиган шахсларни шакллантириш нақадар долзарб масалалардан эканлигини кўрсатмоқда. Бу муаммоларни бартараф этишда таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: “Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади”,¹ – деган фикрлари ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг. Олий Мажлисга мурожатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Янги Ўзбекистон ёшларида креатив фикрлашни таркиб топтиришга қаратилаётган эътибор намунасидир. Дарҳақиқат, ўсиб келаётган авлоднинг билими, дунёқараши, маънавияти халқнинг эртасини белгилаб беради. Айниқса, учинчи Ренесанс даврида ёшларни миллий маънавиятимиз руҳида тарбиялашда, ижодий ва мустақил фикрлашга ҳамда ишлашга ўргатишда уларнинг креатив ёндашувини ривожлантириб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда педагогик-психологик тадқиқотларда креативлик муаммоларини ва ижодкорликнинг педагогик-психологик жиҳатларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бу борада, Л.В. Вахидова, М.Г. Давлетшин, Г.И. Ибрагимова, А.С. Калдибекова, И. Қаримов, В.М. Қаримова, Р.И. Суннатова, З.Т. Нишонова, З.Т. Раджапова, Ў.Қ. Толипов, М.Ҳ. Усмонбоева, Ш.С. Шарипов каби ўзбек олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Т.А. Барышева, Т.Ф. Башина, Е.П. Ильин, Н.Ф. Вишнякова, Н.М. Гнатко, И.А. Малахова, Т.С. Мамонтова, Л. Прохорова, Е.И. Рожкова, Е.Л. Солдатова, И.И. Томилова, Е.Е. Туник, В.В. Утёмов, М.А. Холодная, Д.Б. Эльконин кабиларнинг илмий изланишларида ўқувчилар ижодкорлик фаолияти мазмуни, методлари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш муаммолари ва креатив ёндашувнинг педагогик-психологик хусусиятлари ўрганилган.

Хорижлик олимлар J.P. Guilford, C.R. Rogers, X.E. Tryk, Drapeau Patti, N.M. Amabile, J.C. Kaufman, Ken Robinson, M. Ray Simpson, Soon Ye Hwang,

R.J. Sternberg, E.P. Torranceлар томонидан креативлик тушунчаси, ўқувчи-ёшларда креатив ёндашувни ривожлантириш ва ижодкорликка йўналтириш муаммолари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида 5-7-синф ўқувчиларида креатив ёндашувни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув машғулоти мазмунини такомиллаштириш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришда маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулоти мазмунининг дидактик параметрларини аниқлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тартибланган амалий тизимини такомиллаштириш;

сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларга лойиҳалаш элементларини ўргатишда уларнинг креатив ёндашувларини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичларини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотида фаоллигини оширишда креатив ёндашувини ривожлантириш тизими самарадорлигини аниқлаш ва оптималлаштириш;

сервис хизмати йўналишида маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотида ўқувчиларнинг креатив ёндашув компонентларини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари 5-7-синф ўқувчиларининг технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида креатив ёндашувини ривожлантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети технология фани сервис хизмати йўналишида лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотида 5-7-синф ўқувчиларининг креатив ёндашувини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, олинган натижаларни ўрганиш, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва математик-статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришда маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулоти мазмунининг дидактик параметрлари ўқув фаолияти натижаларини аниқлаштириш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тартибланган тизимини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларга лойиҳалаш элементларини ўргатишда уларнинг креатив ёндашувларини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичлари кластерли (таҳлил қилиш, лойиҳалаш, режа тузиш ва ишлов бериш) ва компетенциявий

(ташаббускорлик, ишбилармонлик) ҳамда функционал алоқадорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларда маҳсулотларни тайёрлаш машғулотларида фаоллигини оширишда креатив ёндашувни ривожлантириш тизими самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини аниқлаш, уларни ўқувчилар фаолиятига доир компонентларига горизонтал ва вертикал таъсир кўрсатиш хусусиятлари ҳамда изчиллик тамойилларига кўра оптималлаштирилган;

креатив ёндашувнинг мақсадли, мазмунли, фаолиятли ва рефлексив компонентлари индивидуал ёндашувнинг барқарорлигини эмпирик жихатига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларни сервис хизмати йўналиши дарсларида маҳсулотлар тайёрлаш жараёнида ижодий фаоллик кўрсатишларига эришиш, улардаги ўзига хос креативлик сифатларни, креатив салоҳиятини ривожлантиришга оид “Технология фани сервис хизмати йўналишида лойиҳалаш усулларини ўргатиш орқали ўқувчиларнинг креатив ёндашувларини ривожлантириш” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

ўқувчиларга газламалардан маҳсулотларни лойиҳалаш элементларини 5-синфда фартук тайёрлашни ўргатиш мисолида уларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

ўқувчиларда газламалардан маҳсулотлар тайёрлаш жараёнида маҳсулотни лойиҳалаш ва моделлаштириш ишларини мустақил, ижодий, амалий бажара олиш малака талаблари орқали креатив ёндашувни ривожлантиришга оид “Технология фани сервис хизмати йўналиши маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатиш” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда газламадан маҳсулотлар тайёрлаш жараёнида креатив ёндашувни ривожлантиришга доир “Ўқувчиларни креатив ёндашув асосида маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлашга ўргатиш технологияси” мавзусида дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган методик, дидактик ёндашувлар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий** аҳамияти умумий ўрта таълим мактаблари технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланганлиги, “креативлик”, “креативлик сифатлар”, “креатив ёндашув”,

“ижодий фаоллик” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилганлиги, ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинганлиги, ўқувчилардаги креативлик сифатларни аниқлаштирилганлиги, 5-7-синф технология фани сервис хизмати йўналишида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларнинг очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий** аҳамияти ўқувчиларга лойиҳалаш элементларини ўргатиш асосида уларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ҳамда жараёни схематик ифодаланганлиги, лойиҳалаш элементларини ўргатиш орқали ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш модели, сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувли фаолиятини ташкил этиш орқали маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлашда уларнинг ўқув фаоллигини ошириш технологиялари такомиллаштирилганлиги, сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш орқали маҳсулотлар тайёрлашдаги фаолликларини оширишга доир услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши. Технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотларида ўқувчиларнинг креатив ёндашув компонентлари индивидуал ёндашувнинг барқарорлигини эмпирик жиҳатига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ўқувчиларга газламалардан маҳсулотларни лойиҳалаш элементлари ва уларнинг креатив ёндашувини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 20 июндаги 01/11-01/11-917-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг креатив ёндашуви асосида ўқувчиларда маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришда маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотлари мазмунининг дидактик параметрлари ўқув фаолияти натижаларини аниқлаштириш асосида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тартибланган тизимини ишлаб чиқилган ва сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларга лойиҳалаш элементларини ўргатишда уларнинг креатив ёндашувларини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичлари кластерли, компетенциявий ҳамда функционал алоқадорлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан “Ўқувчиларни креатив ёндашув асосида маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлашга ўргатиш технологияси” мавзусидаги дастурий таъминот яратилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 20 июндаги 01/11-01/11-917-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотлари мазмунининг дидактик параметрлари ўқув фаолияти натижалари аниқлаштирилган ва ўқувчиларга лойиҳалаш элементларини ўргатишнинг алгоритмик босқичлари такомиллаштирилган.

Ўқувчиларда маҳсулотларни тайёрлаш машғулотларида фаоллигини оширишда креатив ёндашувни ривожлантириш тизими самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини аниқлаш, уларни ўқувчилар фаолиятига доир компонентларига горизонтал ва вертикал таъсир кўрсатиш хусусиятлари ҳамда изчиллик тамойилларига кўра оптималлаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган ИТД – 4 “Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфлари учун технология таълимини барча йўналишларига оид Давлат таълим стандартлари асосида миллийлик билан суғорилган ўқув дарсликлари тайёрлаш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Жиззах давлат педагогика институтининг 2022 йил 22 августдаги 04-763-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш тизими самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган.

Илмий тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари кўплаб илмий журналлар ва илмий-амалий конференцияларда эълон қилинган ва технология фанини ўқитишнинг долзарб масалаларига бағишланган 2 та услубий қўлланма чоп этилган. Тадқиқот натижалари 9 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Илмий тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 4 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертация матни умумий ҳолда 147 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, методологик асослари ва усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинганлиги ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланиб, унда ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш жараёнининг мазмун ва моҳиятини тўлақонли тушуниш учун “креативлик”, “креатив фикрлаш”, “креатив ёндашув” каби тушунчаларга тадқиқотчилар томонидан берилган


фикрларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Умумий ўрта таълим мактаблари технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги асослаб баён қилинган, “креативлик сифатлар”, “креатив ёндашувни ривожлантириш”, “ижодий фаоллик” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган, ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган, ўқувчилардаги креативлик сифатлар ва креатив ёндашув асосида маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш жараёни компонентлари аниқлаштирилган, 5-7-синф технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришга доир педагогик имкониятлар очиб берилган.

Тадқиқот ишида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида қаралиб, технологик таълим жараёнида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этиши, бунинг учун таълим талабларини аниқлаш ва шу талаблар асосида унинг устувор йўналишларини белгилаш, муаммоли вазиятлар яратиш, таълимни технологик ёндашув асосида ташкил этилиши ўқувчилар креатив ёндашувини ривожлантиришнинг самарадорлигига замин тайёрлаши ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш услубиёти”** деб номланиб, унда ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш усуллари, технологиялари, воситалари ҳақида илмий фаразлар баён қилинган.

Сервис хизмати йўналишида маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш учун турли хил ўқитиш-ўргатиш методларини қўллаш ва шу орқали уларни мустақил ижодий фаолиятга тайёрлаш ҳозирги пайтдаги муҳим педагогик муаммолардан бири бўлиб турибди. Бинобарин, ўқувчиларда креативлик қобилиятларни ривожлантириш бўйича махсус методиканинг усул ва воситалари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилмаганлиги ҳам мазкур муаммонинг ижобий ечимини топишга тўсқинлик қилаётган омиллар қаторига киради. Тадқиқот ишида лойиҳалаш элементларини ўргатиш асосида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришнинг шакл, метод, воситалари ҳамда жараёнини ифодаловчи педагогик тузилма ишлаб чиқилган (1-расмга қаранг).

Сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашув фаолиятини ташкил этиш орқали маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш жараёнида уларнинг билиш фаоллигини ошириш технологиялари такомиллаштирилган. Сервис хизмати йўналиши машғулотларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш орқали маҳсулотлар тайёрлашдаги фаолликларини оширишга доир услубий кўрсатмалар тавсия сифатида берилган.



1-расм. Ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантиришнинг педагогик тузилмаси.

Ҳозирги вақтда ўқувчиларнинг креатив ёндашув фаолиятини ривожлантиришнинг кўплаб механизмлари мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш жараёнида креатив ёндашув фаолияти ижодкорлик жараёни бўлиб, ҳар қандай шахс, айниқса, ўқувчилар бундай жараёнга дарҳол киришиб кета олмайдилар. Шунинг учун, аввало, ўқувчиларни креатив ёндашув фаолиятига киришишга


топишмоқлардан, турли бошқотирмалардан, содда кўринишдаги ижодий масалалардан фойдаланиш услублари кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот ишида булардан ташқари, ўқувчиларга лойиҳалаш элементларини ўргатиш орқали уларда креатив ёндашувни ривожлантириш мақсадида қўллаш мумкин бўлган замонавий таълим методлари, жумладан, “Хулосалаш” (Резюме, Веер), SWOT таҳлили, “Тушунчалар таҳлили”, “Синквейн”, “Лойиҳа”, “Имкон +”, “Ҳа ёки йўқ” каби методлар ва “Муаммоли таълим”, “Креатив майдон” технологияларини қўллаш бўйича ҳам услубий тавсиялар берилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган бўлиб, унда тадқиқот ишларининг ташкил этилиши, ўтказилиши ва асосий натижалари ёритилган. Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида асосий эътибор тадқиқ этилаётган муаммонинг амалий жиҳатларига қаратилиши зарурлиги таъкидланган.

Тажриба-синов ишларининг биринчи қисми тавсифий мазмунга эга бўлиб, бунда диссертацияда ҳал қилинадиган масалаларни аниқлаш мақсадида 5-7-синфда сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашув сифатларини ривожлантириш бўйича қилинадиган вазифаларнинг моҳияти очиқ берилди. Бажарилган изланиш натижасида 5-7-синфларда сервис хизмати йўналиши дарсларида буюм (фартук, юбка, кўйлак)ни лойиҳалаш ва моделлаш ишларини бажариш, уларни такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш орқали ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш учун айрим кўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш, жумладан, чизмалар билан ишлаш зарурлиги маълум бўлди. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишида ўқувчилар билимларини кенгайтирувчи ва назорат қилиш суръатларини кучайтирувчи методлар танланди ва натижада ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг). Жумладан, 5-7-синфларда сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш, креативлик натижаларини ҳаётга самарали татбиқ этишга эришиш учун сервис хизмати йўналиши машғулотлари мазмунини амалий аҳамиятга эга бўлган савол ва топшириқлар билан тўлдириш, бойитиш мақбул топилди.

5-7-синфларда сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларнинг креативлигини оширишга қаратилган тажриба-синов ишларини ташкил этишда педагогик кузатиш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот иши юзасидан ташкил этилган тажриба-синов ишлари тажриба-синов ишларини ўтказиш учун ташкилий тайёргарлик; тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун тайёрланган методикани синовдан ўтказиш; тажриба-синов ишларини кенг қўламда амалга ошириш; тажриба-синов ишларини таҳлил этиш каби босқичларда амалга оширилди.



3-расм. Ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари.

Тажриба-синовнинг иккинчи қисмида математик статистика методлари асосида тадқиқотнинг ишончилиги кўрсатилган бўлиб, изланиш тавсифидан ишнинг айрим қисмларигина келтирилган.

Тажриба-синов ишларининг асосий натижалари. Тажриба-синов ишларини ўтказишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Педагогик тажриба-синовларни қўйиш ва ўтказиш.
2. Тушунчаларни ривожланганлик (чуқурлашганлик) даражасини аниқлаш.
3. Тажриба-синов натижалари бўйича статистик таҳлил ва хулосалар.

Тажриба-синов ишлари 2018-2021-йиллар давомида Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 15-, 58-, Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 27-, Балиқчи туманидаги 35-, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 5-7-синфларида ўтказилди. Тажриба синфларида 245 нафар, назорат синфида 230 нафар, жами 475 нафар ўқувчи иштирок этди.

Шунингдек, тажриба синфларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришнинг асосий омили бўлган лойиҳалаш элементларидан машғулотларда оқилона фойдаланилди. Назорат синфларида эса дарслар одатий тарзда олиб борилди.

Кузатишлар натижасида назорат ва тажриба синфидаги ўқувчиларни мустақил назорат ишини “5” баллик баҳолаш тизими бўйича баҳоладик ва бу синфлардаги ўқувчиларни машғулотларни қанчалик ўзлаштирганликларини таққосладик. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган технология фани сервис хизмати йўналиши маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулотларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба ишларини математик статистика усуллари асосида таҳлил қилинди.

Тажрибадан аввалги (ТА) ва тажрибадан кейинги (ТК) маълумотларни умумий жадвалини келтирамиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш бўйича статистик кўрсаткичлар таҳлили

№	Тажриба ва синов объектлари	Синф	Ўқувчилар сони	Тажриба гуруҳлари						Синф	Ўқувчилар сони	Назорат гуруҳлари					
				Юқори		Ўрта		Қониқарли				Юқори		Ўрта		Қониқарли	
				Т А	Т К	Т А	Т К	Т А	Т К			Т А	Т К	Т А	Т К	Т А	Т К
1	Андижон вилояти мактаблари	5-синф	28	4	9	7	13	17	6	5-синф	26	2	1	6	11	18	14
		6-синф	29	3	10	5	13	21	6	6-синф	27	2	2	7	13	18	12
		7-синф	27	3	8	6	14	18	5	7-синф	26	1	2	4	9	21	15
	Жами	84	10	27	18	40	56	17		79	5	5	17	33	57	41	
2	Наманган вилояти мактаблари	5-синф	32	4	9	8	16	20	7	5-синф	30	3	2	6	13	21	15
		6-синф	31	3	11	8	15	20	5	6-синф	29	2	2	6	11	21	16
		7-синф	23	2	8	6	11	15	4	7-синф	19	2	1	4	8	13	10
	Жами	86	9	28	22	42	55	16		78	7	5	16	32	55	41	
3	Фарғона вилояти мактаблари	5-синф	27	7	7	3	15	17	5	5-синф	26	3	2	3	11	20	13
		6-синф	25	5	9	4	12	16	4	6-синф	24	2	1	4	10	18	13
		7-синф	23	4	7	3	11	16	5	7-синф	23	2	1	3	8	18	14
	Жами	75	16	23	10	38	49	14		73	7	4	10	29	56	40	
Умумий жами			245	35	78	50	120	160	47		230	19	14	43	94	168	122

Жадвалдаги натижаларни таҳлил қилиниб синов ва назорат гуруҳлари таққосланди (2-жадвалга қаранг).


**Технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида
ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш бўйича тажриба ва
назорат гуруҳларидаги маълумотларнинг солиштирма жадвали**

Тажриба гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	Синфлар	Юқори	Ўрта	Қониқарли	Жами
	Андижон вилояти мактаблари	5-синф	9	13	6	28
		6-синф	10	13	6	29
		7-синф	8	14	5	27
	Жами		27	40	17	84
	Наманган вилояти мактаблари	5-синф	9	16	7	32
		6-синф	11	15	5	31
		7-синф	8	11	4	23
	Жами		28	42	16	86
	Фарғона вилояти мактаблари	5-синф	7	15	5	27
6-синф		9	12	4	25	
7-синф		7	11	5	23	
Жами		23	38	14	75	
Умумий жами			78	120	47	245
Назорат гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	Синфлар	Юқори	Ўрта	Қониқарли	Жами
	Андижон вилояти мактаблари	5-синф	1	11	14	26
		6-синф	2	13	12	27
		7-синф	2	9	15	26
	Жами		5	33	41	79
	Наманган вилояти мактаблари	5-синф	2	13	15	30
		6-синф	2	11	16	29
		7-синф	1	8	10	19
	Жами		5	32	41	78
	Фарғона вилояти мактаблари	5-синф	2	11	13	26
6-синф		1	10	13	24	
7-синф		1	8	14	23	
Жами		4	29	40	73	
Умумий жами			14	94	122	230

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гуруҳидаги ўқувчиларда назорат гуруҳидаги ўқувчиларга нисбатан билим, кўникма ва малакалар самарали шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқлаштирган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стъудент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик-статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичда тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган статистик

кўрсаткичларни танланмалар сифатида белгиланиб, баҳо кўрсаткичлари бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз (4-расмга қаранг).



4-расм. Педагогик тажриба-синовнинг умумий диаграммаси.

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги юқори ва ўрта кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан.

Энди 2-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиламиз.

Тажириба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда X_i, n_i лар ва шу каби назорат гуруҳидагини эса Y_j, m_j лар орқали белгилаб олиб, статистик гуруҳланган вариацион қаторлар ҳосил қилинади. Шунингдек, “Юқори” кўрсаткични 5 балл билан, “Ўрта” кўрсаткични 4 балл билан ва “Қониқарли” кўрсаткични 3 балл билан белгилаймиз.

Тажириба-синов ишларидан тажриба гуруҳидаги ўқувчилар сони $n=245$, назорат гуруҳидаги ўқувчилар сони $m=230$ бўлиб, биз бу сонларни X_i ва Y_j вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 2-жадвалдан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз

$$(n = n_1 + n_2 + n_3 \text{ ва } m = m_1 + m_2 + m_3): \quad (3.1)$$

Тажириба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 5 & 4 & 3 \\ n_i & 78 & 120 & 47 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 245 \quad (3.2)$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_j & 5 & 4 & 3 \\ m_j & 14 & 94 & 122 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 230 \quad (3.3)$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ асосида ҳисоблаймиз.

$$(3) \begin{cases} X_i & 5 & 4 & 3 \\ p_i & 0,32 & 0,49 & 0,19 \end{cases} \sum_{i=1}^3 p_i = 1 \quad (3.4)$$

$$(3) \begin{cases} Y_i & 5 & 4 & 3 \\ q_i & 0,06 & 0,41 & 0,53 \end{cases} \sum_{j=1}^3 q_j = 1 \quad (3.5)$$

Статистик таҳлилни ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 p_i X_i = 0,32 \cdot 5 + 0,49 \cdot 4 + 0,19 \cdot 3 = 4,13 \quad (3.6)$$

Ҳоизда $\bar{Y}\% = \frac{4,13}{5} \cdot 100\% = 82,6\%$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^3 q_j Y_j = 0,06 \cdot 5 + 0,41 \cdot 4 + 0,53 \cdot 3 = 3,53 \quad (3.7)$$

Ҳоизда $\bar{Y}\% = \frac{3,53}{5} \cdot 100\% = 70,6\%$

Демак, синов гуруҳларидаги ўзлаштириш назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришдан $(82,6 - 70,6)\% = 12,0\%$ га юқори экан. Демак, тажриба-синов ишлари сўнгида тажриба синфлари ўқувчиларнинг билим кўрсаткичлари назорат синфлари ўқувчиларнинг билим кўрсаткичларидан ўрта ҳисобда 12% га ошганлиги маълум бўлди.

3-жадвал.

Технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижаларининг статистик кўрсаткичлари

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
4,13	3,53	0,4931	0,3691	1,10	1,14	13,17	469,9	81,28	0,08	0,07

Юқоридаги ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, Стъудент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди (3-жадвалга қаранг).

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=4,13$; $\bar{Y}=3,53$; $\Delta_x = 0,08$; $\Delta_y = 0,07$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{4,13 - 0,08}{3,53 + 0,07} = \frac{4,05}{3,60} = 1,12 > 1; \quad (3.8)$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (4,13 - 0,08) - (3,53 - 0,07) = 4,05 - 3,46 = 0,59 > 0 \quad (3.9)$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталиги билан кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, юқорида олиб борилган статистик таҳлиллардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сервис хизмати йўналиши машғулоти самарадорлигини оширишда ўқувчиларда малака ва кўникмалар ҳосил қилиш бўйича қўлланилган тажриба-синов ишлари методикаси самарали бўлиб, улар ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ижобий таъсир этади, уларда креатив ёндашувни ривожланишига имкон яратади.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Технология фани сервис хизмати йўналиши дарсларида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш” (лойиҳалаш ва тайёрлаш машғулоти мисолида) деб номланган мазкур диссертацияда ёритилган назарий маълумотлар ва берилган тавсияларга асосланиб қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш ва тавсияларни бериш мумкин:

1. Инсонда кўпдан-кўп хусусиятлар, қобилиятлар бор, шулар ичида унинг креатив қобилияти ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, креативлик қобилиятини умумий билиш қобилиятининг энг юқори даражаси деб қараш мумкин. Инсон умумий билиш қобилияти орқали атроф-муҳит ва ундаги нарсалар билан танишади, идрок қилади, хулоса чиқаради, ўз фаолияти йўналишини белгилайди ва амалга оширади. Бир сўз билан айтганда, билиш фаолияти орқали инсон ҳаётда қандай яшаш ва ишлашга тайёрланади, бошқа инсонлар билан қандай муомала қилиш кераклигини ўрганади. Шунинг учун оилада ҳам, мактабда ҳам болалар, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини оширишга эътибор қаратиш зурур.

2. Технология ўқув фанининг сервис хизмати йўналиши умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган амалий ўқув фанларидан бири бўлиб, бу дарсларда ўқувчиларнинг берилган муаммо (топшириқ, масала ва ҳ.) ечимини топишда креатив ёндашувини фаоллаштиришга қаратилган бир қатор усуллар мавжуд. Уларни шартли равишда назарий ва амалий усулларга ажратиш мумкин. Ўқувчиларнинг креатив ёндашувларини фаоллаштиришга қаратилган назарий усуллар одатда уларга ўқиш, ўрганиш ва мустақил иш бажариш жарёнида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳақида тушунча бериш кабилардан иборат. Бундай усулларга китоб устида ишлаш, маъруза тайёрлаш ва ўқиш, чизма ва схемаларни, ижодкорлик усулларини ўрганиш, интерфаол усуллардан фойдаланиш кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ишда шундай усуллардан айримлари ёритилган.

3. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш кабиларга катта эътибор берилмоқда. Ишчи-ходимлар ҳам ўз навбатида ўзига юкланган вазифаларни аъло даражада бажаришлари учун улардан ишчанлик, юзага келган турли вазиятлардан чиқиб кета олиш кўникмаларига эга бўлиши керак, албатта. Бунинг учун уларда ҳар бир ишга креатив, танқидий муносабатни ривожлантириш зарур бўлади. Бу эса айнан креатив ёндашув, креативлик қобилияти билан боғлиқдир. Бу ишларни амалга ошириш, албатта, мактабдан бошлангани яхши натижаларни беради, деб ўйлаймиз.

4. Мактаб ўқувчиларида қўйилган муаммоларни креатив ёндашув асосида ҳал этиш сифатларини (қобилиятларини) ривожлантириш учун турли хил ўқитиш-ўргатиш усулларини қўллаш орқали уларни мустақил ижодий фаолиятга тайёрлаш ҳозирги пайтдаги муҳим педагогик муаммолардан бири бўлиб турибди. Мазкур муаммоларни бартараф этишда сервис хизмати йўналиши дарсларида катта имкониятлар мавжуд. Улардан ўқувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантириш учун самарали фойдаланиш мумкин, булар ҳақида юқорида айрим фикрлар айтиб ўтилган. Жумладан, амалий машғулотларда ақлий ҳужум, расм-топишмоқлар, турли бошқотирмалар, ижодий масалалар каби усуллардан фойдаланиш яхши натижалар беради. Келтирилган бу каби усуллар ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

5. Машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг креатив фикрлашларига салбий ва ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам тадқиқот ишида кўрсатиб ўтилди. Маълумки, ўқувчиларнинг креатив фикрлаши ва амалий ишларни бажаришлари учун ижобий омил яратувчилар – ўқитувчилардир. Шунинг учун тадқиқот ишида ўқитувчилар учун ҳам ушбу соҳада услубий кўрсатмалар берилган.

6. Сервис хизмати йўналиши бўйича тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, соҳага оид адабиётларни таҳлил қилиш натижасида технология фани машғулотларида лойиҳалаш элементлари қўлланилганда бир мунча ютуқларга эришилганлиги аниқланди. Шу билан бирга ишнинг умумий натижалари бўйича умумтаълим мактабларининг технология фани дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган лойиҳалаш усулларини таълим беришда қўллашга қизиқиш биров пасайганлиги ҳам маълум бўлди. Шу сабабли лойиҳалаш элементларини таълим тизимига тўлақонли қайтаришни бугунги кунда технология фанини ўқитишдаги долзарб муаммоларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот мавзуси бўйича олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини, жумладан, сервис хизмати йўналиши машғулотларини ўқитишни такомиллаштириш

учун Давлат таълим стандартини ҳозирги тўртинчи технологик инқилоб даври талабига биноан қайта кўриб чиқиш.

2. Сервис хизмати йўналиши ўқув дастурларида таълим жараёнида ўқувчиларда креатив ёндашувни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган махсус бўлимларни етарлича ўрганишни кўзда тутиш:

а) ўқув дастурларини замонавий таълимий ёндашувларга асосан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

б) йўналишлар дастурларида лойиҳалаш ва моделлаштириш элементларидан фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратиш.

3. Технология фанининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ушбу таълим йўналишида амалий машғулотларни замон талаби даражасида йўлга қўйиш.

4. Технология фанининг мазмунан бошқа фанлар билан боғлиқлиги, яъни улар орасида изчиллик, узвийлик ва фанлараро интеграцияни ўрнатиш.

5. Технология фани ўқув дастурлари, дарсликлари, ўқув ва услубий адабиётлари ҳамда ахборот таълим ресурслари мазмунини “Тўртинчи саноат тамаддунининг ҳаракатлантирувчи кучи” – дея эътироф этилаётган креативликка йўналтирилган ва ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган маълумотлар билан бойитишни устувор вазифа сифатида белгилаб, ўқувчиларни креатив фикрлашга ундовчи таълим технологиялари асосида такомиллаштириш.

6. Касбий компетенциявий фаолиятнинг турли йўналишларида ўқувчиларнинг фаол таълим олиш шаклларига бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг тўла қондирилмаётганлиги, шунингдек, юқори синф ўқувчилари учун технология фани ўқув соатларини кўпайтиришни кўриб чиқиш муҳим.

7. Технология фани ўқув амалиётхоналарининг моддий-техник жиҳатдан замонавий талаблар даражасида жиҳозлаш керак, улар бугунги даврнинг долзарб талабларига жавоб бера олмайди.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладигани, технология фанининг илмий-методик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулотларни лойиҳалаш ва тайёрлаш дарсларида ўқувчиларнинг креатив ёндашувларини ва сифатларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАДИРОВА НИЛУФАР МИРЗААКБАРОВНА

**РАЗВИТИЕ У УЧАЩИХСЯ КРЕАТИВНОГО ПОДХОДА
НА УРОКАХ ТЕХНОЛОГИИ ПО НАПРАВЛЕНИЮ
СЕРВИСНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ
(на примере занятий по проектированию и изготовлению)**

13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания (технологическое образование)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Ped3556.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Каримов Исмоилжон
кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Кўйсинов Одил Алмуротович
доктор педагогических наук (DSc), профессор
Болтаева Мухайё Лутфуллаевна
кандидат педагогических наук, доцент


Ведущая организация:

Чирчикский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится 11 ноября 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 по присуждению ученых степеней при Наманганском государственном университете. (Адрес: 160119, город Наманган, улица Бобуршоҳ, дом 161. Тел.: (+99869) 228-85-01, факс: (+99869) 228-85-02; Web-sayt: namdu.uz, e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована под № 1137). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (+99869) 227-29-81).

Автореферат диссертации разослан 01 ноября 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 23 от 01 ноября 2022 года).



Т. Файзуллаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней, д.с.н., профессор

Ш.К. Хужамбердиева
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD)
по пед. наукам., доцент

К.М. Боймирзаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.г.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всех странах мира все больше ощущается потребность в инновационных знаниях и творчестве в решении проблем государства и общества, что, в свою очередь, обуславливает важность инновационного и креативного подхода к решению проблем. Одним из важных вопросов современности, стоящих перед мировой педагогикой в эпоху глобализации, является формирование образованной личности, обладающей креативным мышлением; поиск путей, способов и средств развития креативного подхода является главной проблемой. Процесс инновационных изменений в области науки и техники в современный период четвертой технологической революции показывает, что развитие у обучающихся навыков правильного и точного принятия решений в нестандартных ситуациях, повышение их познавательной активности посредством развития креативных подходов является одной из педагогических проблем, требующих решения.

Высокие результаты образовательных реформ, осуществляемых на современном этапе в разных странах мира, предполагают постоянное внедрение новых подходов в сферу образования в нашей стране, чтобы поднять систему отечественного образования до уровня мировых стандартов. Ощущается настоятельная необходимость в передовых технологиях в области науки и техники, внедрения новых подходов в систему образования для воспитания молодежи в соответствии с требованиями времени: конкурентоспособных, квалифицированных и свободно мыслящих специалистов. Сегодня во всех государствах мира требуется организованный, плановый и креативный подход к внедрению инноваций в образование и их реализацию. Чтобы привить интерес к новаторству, воспитать личность, стремящуюся самостоятельно создавать новое, креативно подходить к решению проблем, самообразование должно быть насыщено новациями, в этом процессе должна преобладать атмосфера творчества.

Последовательные реформы, проводимые во всех сферах жизни Республики, свидетельствуют о том, что формирование личностей, обладающих креативным мышлением, способных творчески подходить к проблемам государства и общества, является одним из актуальнейших вопросов в деле построения Нового Узбекистана. Для устранения данных проблем проводится важная работа в области реформирования формы и содержания системы образования, совершенствования ее правовой сферы, укрепления материально-технической базы, повышения эффективности содержания, форм и методов образования. Президент Ш.М.Мирзиёев особое внимание уделяет формированию креативного мышления у молодежи Нового Узбекистана: «Чтобы развивать у детей навыки аналитического и креативного мышления, нужно создавать для них содержательные и понятные учебники. В связи с этим в следующем учебном году в начальных классах на основе лучшего

зарубежного опыта будет введена «Национальная учебная программа», которая не станет перегружать ребенка»¹. Действительно, знания, мировоззрение и духовность подрастающего поколения определяет будущее народа. Именно в современный период Третьего Ренессанса необходимо воспитывать нашу молодежь в духе национальной идеи духовности, развивая их творческое самостоятельное мышление и креативный подход к решению проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, № УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования, воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года, Указа Президента № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, Закона Республики Узбекистан № ЗРУ-637 «Об образовании» от 23 сентября 2020 года и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования» от 6 апреля 2017 года и в других нормативных правовых документах, связанных с данной сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информированного общества демократического государства и пути ее реализации».

Степень изученности проблемы. В психолого-педагогических исследованиях ученых нашей страны особое внимание уделяется изучению проблемы креативности и психолого-педагогических аспектов творчества, научные исследования в данной области осуществлялись такими узбекскими учеными, как Л.В. Вахидова, М.Г. Давлетшин, Г.И. Ибрагимова, А.С. Калдибекова, И. Каримов, В.М. Каримова, Р.И. Суннатова, З.Т. Нишонова, З.Т. Раджапова, У.К. Толипов, М.Х. Усмонбоева, Ш.С. Шарипов.

В научных исследованиях ученых стран Содружества Независимых Государств (СНГ) Т.А. Барышевой, Т.Ф. Башиной, Е.П. Ильина, Н.Ф. Вишняковой, Н.М. Гнатко, И.А. Малаховой, Т.С. Мамонтовой, Л. Прохоровой, Е.И. Рожковой, Е.Л. Солдатовой, И.И. Томиловой, Е.Е. Туник, В.В. Утёмовой, М.А. Холодной, Д.Б. Эльконины изучались содержание творческой деятельности учащихся, проблемы разработки методов и инструментов, а также психолого-педагогические особенности креативного подхода.

¹Мирзиёев Ш.М. «Бесстрашие сильного народа способствует установлению благополучной жизни». Обращение к Олий Мажлису. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Зарубежные ученые J.P. Guilford, C.R. Rogers, X.E. Tryk, Drapeau Patti, N.M. Amabile, J.C. Kaufman, Ken Robinson, M. Ray Simpson, Soon Ye Hwang, R.J. Sternberg, E.P. Torrance провели ряд научных исследований по изучению понятия креативности, развития креативного подхода у обучающейся молодежи и освещаются проблемы творческой направленности.

Целью исследования является развитие у учащихся креативного подхода на уроках технологии по направлению сервисного обслуживания (на примере занятий по проектированию и изготовлению)

Задачи исследования:

совершенствование дидактических параметров содержания обучения проектированию и изготовлению изделий на уроках технологии на основе креативного подхода учащихся;

совершенствование алгоритмических этапов и функциональной связи развития креативного подхода учащихся в обучении элементам проектирования на занятиях направления сервисного обслуживания;

